

«Smart bank» акциядорлик жамияти
Ягона акциядори йиғилишининг
2023 йил « 6 » феврал даги
02/1 - сонли қарорига
2-илова

«SMART BANK» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЯГОНА АКЦИЯДОРИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамияти Ягона акциядори тўғрисидаги низом” (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Smart bank” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда Банк деб юритилади) Ягона акциядори мақомини белгилайди ва Банк Ягона акциядори (кейинги матнларда Ягона акциядор деб юритилади) томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Банк Уставига мувофиқ ўз ваколатига киритилган қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

2. Банкнинг Ягона акциядори “LEADER FINANCE” масъулияти чекланган жамияти ҳисобланади ва у Банкнинг юқори бошқарув органидир.


3. Банкнинг барча акциялари битта акциядорга тегишли бўлганлиги сабабли Банкда акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилмаган ҳолда Ягона акциядорнинг қарори қабул қилинади.

4. “Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва Банк Устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар Ягона акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда ушбу қонун ҳужжатида кўрсатилган акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

5. Ягона акциядор ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай тугалланган молия йилидаги Банк фаолияти юзасидан ўз ваколати доирасида йиллик қарор қабул қилиши лозим.

6. Ягона акциядор томонидан ҳар бир молия йили якуни бўйича қарорлар қабул қилинишидан ташқари Банк Кузатув кенгашининг ташаббусига биноан, Банкнинг Тафтиш комиссиясининг талаби ва Банк Бошқарувининг талаби билан ҳам амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа масалалар юзасидан навбатдан ташқари қарорлар қабул қилиши мумкин.

Шунингдек, Ягона акциядор Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни талабларига мувофиқ Марказий банк талаби билан ҳам Марказий банк томонидан қўйилган масалалар бўйича навбатдан ташқари қарорлар қабул қилишига ҳақлиқ.



7. Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави ҳамда мазкур Низом билан белгиланган ваколатлар доирасида Ягона акциядорнинг барча қарорлари “LEADER FINANCE” МЧЖ томонидан, унинг Ягона иштирокчиси ҳисобланган “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви билан аввалдан келишилган ҳолда қабул қилинади ва ушбу Низомга мувофиқ расмийлаштирилади.

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви билан аввалдан келишилмаган Ягона акциядор қарори қонуний кучга эга эмас деб ҳисобланади.

8. Кун тартибига қўйилган масалалар бўйича Ягона акциядорнинг қарори “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви билан аввалдан келишиши Бошқарув аъзоларининг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9. Ягона акциядорнинг кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритиш мумкин эмас.

10. Ягона акциядор томонидан қабул қилинган қарорлар амалдаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартиб ва муддатларда эълон қилинади.

11. Ягона акциядор томонидан қарорлар видеоконференц-алоқа орқали ҳам қабул қилиниши мумкин.

2-боб. Ягона акциядорнинг ваколат доираси

12. Ягона акциядорнинг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) Банкнинг Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

б) Банкни қайта ташкил этиш;

в) Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Банк Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;


д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) Банкнинг устав капиталини ошириш ёки камайтириш, шунингдек Банк Уставига Банкнинг устав капиталини ошириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

ё) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

ж) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

з) Банк Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатини



муддатидан илгари тугатиш;

и)Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

й)Банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

к)Банк Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

л)Банк Ягона акциядори тўғрисида, Банк Тафтиш комиссияси тўғрисида, Банк Кузатув кенгаши тўғрисида ва Банк Бошқаруви тўғрисидаги Низомларни, шунингдек амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ягона акциядор мутлақ ваколатига кирувчи Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

м)акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

н)корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошладиган облигациялар чиқариш ҳамда қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

о)қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

п)баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг 50 (Эллик) фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида Банк томонидан йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;


р)йирик битим тузиш масаласи бўйича Банк Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда Банк томонидан йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

с)Банк Кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлган ҳолларда Банк томонидан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда Банкнинг аффилиланган шахслари билан Банк Бошқаруви томонидан битимларни тузишни олдиндан маъқуллаш;

т)мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

у)қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

13. Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом билан Ягона акциядорнинг ваколат доирасига киритилган



кенгаши ва Банк Бошқарувига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

3-боб. Ягона акциядорнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

14. Ягона акциядор қуйидаги ҳуқуқларга эга:


- а) акциядорлар реестрига киритилиши;
- б) депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- в) Банк фойдасини тақсимлаш ҳамда фойданинг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- г) Банк тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- д) Ягона акциядор ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарор қабул қилиш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- е) Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- ё) олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- ж) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- з) ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- и) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- й) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- к) Банк Кузатув кенгаши мажлисини чақириш ҳамда Банк бошқарув органлари ва Банк назорат органи аъзолигига номзодларни кўрсатиш;
- л) Ягона акциядор қонунчилик ҳужжатларига ва Банк Уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Ягона акциядор қуйидагиларга мажбур:

- а) ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;
- б) банк сирини, хизмат, тижорат ва бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ва қонун билан кўриқланадиган бошқа махфий маълумотларни ошкор этмаслик;
- в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Банк Уставида ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

4-боб. Ягона акциядор ваколатига киритилган масалаларни

кўриб чиқишга тайёргарлик



16. Ягона акциядор ваколатига киритилган масалалар Банк Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқиш учун киритилади.

Ягона акциядор томонидан масалалар кўриб чиқилиши учун материаллар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

Банк Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланган Банк Кузатув кенгашининг асосланган қарори, шу жумладан масаланинг Ягона акциядор ваколатига тегишлилиги асоси;

кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ахборот (материал)лар рўйхати.

Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш ваколатига тегишли бўлган, муайян масала қўйилишини ўз ичига олмаган (шу жумладан, “турли”, “ўзга”, “бошқа” ва ҳ.к.) ифодаланишларга эга масалалар кўриб чиқилиши мумкин эмас.

17. Банкнинг йиллик ҳисоботи, Банк Тафтиш комиссияси ва ташқи аудитор томонидан Банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича тузилган хулосаси, Кузатув кенгашининг Бошқарув раиси лавозимига номзод тўғрисидаги ёки Бошқарувнинг амалдаги раиси билан меҳнат шартномаси муддатини узайтириш тўғрисидаги тавсиялари, Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, зарур ҳолларда Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, Уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёки янги таҳрирдаги Устав каби ахборот (материал)лар Ягона акциядор ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун тақдим қилиниши шарт бўлган ахборот (материал)ларга таркиби ҳисобланади.

18. Ягона акциядор ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун Ягона акциядорга тақдим қилиниши шарт бўлган қўшимча ахборот (материал)лар рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан ҳам белгиланиши мумкин.


5-боб. Ягона акциядор қарорини расмийлаштириш тартиби

19. Ягона акциядор ваколатига киритилган масалалар бўйича Ягона акциядорнинг барча қарорлари ёзма шаклда расмийлаштирилади.

20. Ягона акциядорнинг қарори қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан кечиктирилмай расмийлаштирилади.

21. Ягона акциядор томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги хабарлар акциядорлик жамияти фаолиятида муҳим фактлар тоифасига тегишли бўлиб, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тегишли корпоратив ахборот порталида ва Банкнинг корпоратив сайтида эълон қилинади.

6-боб. Ягона акциядор қарорини бажариш

	Ro'yxatdan o'tkazildi
	Ro'yxat raqami: II-1
	Sana: "10" fevral 2023 yil
	Imzo: <i>[Signature]</i>

22. Ягона акциядор қарорлари бажарилиши устидан назорат, башарти қарорда ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса ва/ёки баённомада акс этирилмаган бўлса, Банк Кузатув кенгаши томонидан амалга оширади.


23. Ягона акциядор қарори Банк бошқарув органлари томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.

7-боб. Яқуний қоидалар

24. Мазкур Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгаши тавсияси асосида Ягона акциядор томонидан тасдиқланади.

25. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

26. Ушбу Низомнинг алоҳида бандлари амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари нормаларига ва Банк Уставига амал қилинади.



[Handwritten signature]

ЮРИДИК ХУЛОСА

(норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан
ўтказиш тўғрисида)

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий ҳужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамияти Ягона акциядори тугрисидаги Низом.
Экспертиза ўтказишда фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида Низом”, банкнинг Устави ва ички меъёрий ҳужжатлар.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк Ягона акциядори мақомини белгилайди ва Ягона акциядор томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ва банк Уставига мувофиқ уз ваколатига киритилган қарорлар қабул қилинишини тартибларини белгилайди.

Ушбу Низомни ишлаб чиқишда қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинган.

Ҳуқуқшунос



М.Ғуломжонов